

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЙИГИТАЛИЕВ УМИДЖОН САМИНОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДА «ОДАМ» ВА «ЖИНС» КОНЦЕПТЛАРИ БИЛАН
БОҒЛИҚ АССОЦИАТИВ-ВЕРБАЛ БИРЛИКЛАР**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Йигиталиев Умиджон Саминович

Ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептлари билан боғлиқ
ассоциатив-вербал бирликлар.....3

Yigitaliyev Umidjon Saminovich

The concepts of «human» and «gender» in uzbek related to
associate-verbal unions.....25

Йигиталиев Умиджон Саминович

Ассоциативно-вербальные единицы узбекского языка,
связанные с концептами «человек» и «пол».....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ.....49

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЙИГИТАЛИЕВ УМИДЖОН САМИНОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДА «ОДАМ» ВА «ЖИНС» КОНЦЕПТЛАРИ БИЛАН
БОҒЛИҚ АССОЦИАТИВ-ВЕРБАЛ БИРЛИКЛАР**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil485 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институти ўзбек тили кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.navoiy-uni.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилора Абдулҳамидовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна
филология фанлари доктори, профессор

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2020 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-10-22; e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-10-22.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожиiddинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг бугунги ривожланиш босқичида тил тизимини антропоцентрик тадқиқ тамойиллари асосида ўрганиш устуворлик қилмоқда. Асримиз бошларида антропоцентрик тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида майдонга келган ассоциатив тилшуносликда тил бирликларининг ўзаро ассоциатив алоқаси, тил эгалари хотирасида ассоциатив қаторларга бирлашуви масаласини ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Дунё тилшунослигида муайян концептлар билан ассоциатив боғланган тил бирликларини аниқлаш, уларнинг концепт билан ассоциатив алоқа кучини ҳамда ассоциатив майдонни ҳосил қилиши масаласини тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумки, тил эгалари онгида концептуал билимлар асосида ҳосил бўладиган концептлар тилда вербаллашар экан, бу жараёнда мазкур концептни ассоциатив тарзда ёдга солувчи лингвистик ва экстралингвистик бирликлар ҳам намоён бўлади. Ушбу когнитив жараёнда тил эгалари хотирасида тикланган концепт билан алоқадор ассоциатив бирликларни алоҳида олинган концептлар мисолида тадқиқ этиш нафақат когнитив тилшунослик, балки ассоциатив тилшунослик учун ҳам қимматли назарий билимлар бера олади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бугунги кунда тил тизимини замонавий тадқиқ усуллари, хусусан, антропоцентрик аспектда тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида таъкидланганидек: «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини оширишимиз керак»¹ Албатта, тилшунослигимизда бу йўналишдаги тадқиқотларни янада кенгайтириш, тилда инсон омили муаммосини турли аспектлар ҳамкорлигида ўрганишни ривожлантириш лозим. Бу борада ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептининг воқеланиши, мазкур концептлар билан ассоциатив боғланган бирликларни когнитив ва ассоциатив таҳлил тамойиллари асосида тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат тадқиқот мавзусининг нафақат долзарблиги, балки тадқиқ этиш заруратини ҳам асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги» ПФ-5850-сонли Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунгача илғор лингвистика саналган структур тилшунослик тилни трансцендент ҳодисалардан ҳоли равишда имманент ўрганишга асосий эътиборни қаратганлиги туфайли лисоний фаолиятнинг субъектлари бўлган сўзловчи ва тингловчи шахс тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Ваҳоланки, ҳеч бир тилни тил эгасидан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмайди². Чунки ҳар бир нутқий актда сўзловчи шахсининг изи сезилиб туради. Структур тилшуносликнинг ана шу чекланган томонини бартараф қилиш учун ҳозирги кунда антропоцентрик аспектдаги тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бошқача айтганда, тилшуносликдаги антропоцентрик парадигма мазкур камчилиқни, эҳтиёжни тўлдиришга қаратилган ҳаракатлар натижасида юзага келди.

Замонавий тилшуносликнинг тилда инсон омилини ўрганишга қаратилган тадқиқ усуллари когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, лингвопрагматика, психолингвистика, ассоциатив тилшунослик доирасидаги тадқиқотларда намоён бўлмоқда. Хориж тилшунослигида бу йўналишларда изланишлар олиб борган И.Гальперин, Н.Караулов, Н.Жинкин, Н.Хомский, Ю.Степанов, А.Леонтьев, Ж.Лакофф, А.Вежбицкая, Е.Кубрякова, В.Демьянков, В.Маслова, В.Белянинларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор³.

Ўзбек тилшунослигида А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, Э.Бегматов, А.Маматов, М.Ҳақимов, С.Мўминов, Д.Худойберганова, Д.Лутфуллаева, Ш.Усмонова, С.Боймирзаева, А.Раҳимов, И.Азимова, Н.Ҳошимова ва бошқаларнинг тадқиқотларида тил тизими антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этилган⁴.

² Нурмонов А. Танланган асарлар. 3-ж. –Тошкент: Академнашр, 2012. – Б.33; Худайберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фан. д-ри. ...дисс. автореф. –Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2015. – Б.6.

³ Худайберганова Д.С. Кўрсатилган тадқиқот. – Б.6-7.

⁴ Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан. д-ри. ...дисс.автореф. –Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2000. – 47 б.; Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол.фан. д-ри. ...дисс. –Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2001. –283 б.; Сафаров Ш. Коғнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. –91 б.; Азимова И. А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ...дисс.автореф. –Тошкент: ЎзМУ, 2008. –24 б.; Нурмонов А. Имманентликдан коғнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2009. –№6. –Б.104-107; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол.фан.

Ҳозирга қадар тилшунослигимизда антропоцентрик аспектда амалга оширилган тадқиқотларда, асосан, матннинг лингвопоэтик, прагматик, деривацион, лингвокультурологик, психолингвистик, ассоциатив хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Лекин ўзбек тилида аниқ бир концепт, хусусан, «одам» ва «жинс» концептининг лисоний сатҳлар кўламида муайян тил бирликлари асосида ассоциатив-вербал ифодаланиши, лингвокогнитив таҳлили муаммоси махсус тадқиқот объекти бўлмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот Қўқон давлат педагогика институтининг «XXI аср тилшунослигининг устувор йўналишлари» мавзуидаги илмий тадқиқотлар режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептининг воқеланиши, мазкур концептлар билан ассоциатив боғланган бирликларни когнитив ва ассоциатив таҳлил тамойиллари асосида тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тили бирликларини ўрганишда функционал-семантик, концептуал ва ассоциатив таҳлил методларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаштириш;

ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептининг когнитив, ассоциатив-вербал хусусиятларини очиб бериш;

«одам» ва «жинс» концептининг тилда воқеланиши масаласини ўрганиш, бу концептларни воқелантирувчи актуализаторларни ажратиш;

«одам» ва «жинс» концепти билан ассоциатив боғланган бирликларнинг концепт билан ассоциатив алоқа кучини белгилаш;

турли услубларга хос нутқий қўлланишлар асосида «одам» ва «жинс» концептини воқелантирувчи стилистик воситаларни белгилаш, уларнинг ассоциатив-вербал хусусиятини очиб бериш;

ассоциатив тажриба материаллари асосида «одам» ва «жинс» концептининг ассоциатив майдони, унинг таркиби масаласини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептларининг когнитив ва ассоциатив-вербал хусусиятини ёритиш тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети «одам» ва «жинс» концептини воқелантирувчи, улар билан ассоциатив боғланган ўзбек тилининг лексик, грамматик бирликлари ҳамда стилистик воситалари ташкил этади.

д-ри. ...дисс. –Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2010. –320 б.; Usmanova Sh. R. Lingvokulturologiya (Darslik). – Toshket: Universitet, 2019. – 191 b.; Махмудов Н.Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент,2012. –№5. –Б.3-16; Маматов А. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари). – Андижон,2012. –Б.212-220; Раҳимов А. Тилни парадигмалар асосида ўрганиш муаммолари //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012. –№2. – Б.20-25; Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент,2013. – №3. –Б. 35-39; Худайберганаева Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фан. д-ри. ...дисс. –Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2015. –240 б.; Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси.–Тошкент:MERYUS, 2017. – 140 б.; Ҳошимова Н.А. Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар: Филол. фан. бўй. фалс. докт. ... (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 47 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тавсифий, функционал-семантик, ассоциатив ва концептуал таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептининг когнитив, ассоциатив-вербал хусусиятлари мисоллар асосида далилланган;

«одам» ва «жинс» концептларининг тилда воқеланишида уларни юзага чиқарувчи лексик-грамматик ва стилистик актуализаторлар аниқланган;

«одам» ва «жинс» концептлари билан ассоциатив боғланган бирликлар ажратилган, уларнинг концепт билан ассоциатив алоқа кучи белгиланган;

турли услубларга хос нутқий қўлланишлар асосида «одам» ва «жинс» концептини воқелантирувчи стилистик воситаларнинг ассоциатив-вербал хусусиятлари очиқ берилган;

тажриба материаллари асосида «одам» ва «жинс» концептининг ассоциатив майдони белгиланиб, уни ташкил этувчи ядро, периферия қисмларининг ассоциатив моҳиятга эга эканлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертация материаллари «Когнитив тилшунослик», «Социолингвистика», «Матн лингвистикаси», «Ассоциатив тилшунослик» фанларида ташкил этилган маъруза ва амалий машғулотлар учун илмий-амалий манба вазифасини ўтаган;

филология йўналишидаги танлов фанларидан махсус курс ва семинарлар ташкил этишда ҳам самарали фойдаланилган;

тадқиқот натижалари асосида «одам» ва «жинс» концептларининг ассоциатив тадқиқи бошқа концептларнинг ўрганилиши учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. «Одам» ва «жинс» концептлари билан ассоциатив боғланган бирликлар майдони қўламини изоҳлашда ўзбек тилининг лексик, грамматик сатҳлари, стилистик имкониятларига таянилгани, ассоциатив тажриба материаллари орқали мазкур концептлар устида олиб борилган кузатишлар тадқиқ қилиниб, илмий хулосалар чиқарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептининг воқеланиши, тилнинг турли бирликлари билан ассоциатив боғланиши масаласига доир мавжуд илмий-назарий қарашлар ривожигаги ўрнини белгилашга ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация материалларидан магистратура ва бакалавриат босқичлари учун «Когнитив лингвистика», «Ассоциатив тилшунослик» фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўланмаларнинг янги авлодини яратиш, илмий маърузалар, махсус курс, семинарларда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептлари билан боғлиқ ассоциатив-вербал бирликлар тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«одам ва одам» тизимида дунёни англаш – ижодий тафаккур маҳсулининг гносеологик асоси эканлиги, тил бирликларини тадқиқ этишда функционал-семантик таҳлилнинг ўрни, лисоний тизимни антропоцентрик парадигмада тадқиқ этиш зарурияти ҳақидаги назарий хулосалардан А-1-126 рақамли «Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги грантда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 майдаги 89-03-1774-сон маълумотномаси). Натижада грант доирасида яратилган стилистик қўлланмаларнинг илмийлиги ортган;

«одам» концептининг лисоний тизим сатҳларида ифодаланишига оид назарий хулосалар ҳамда олий таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг матнли маълумотларни мазмунан қидирув масаласини ечишда матнларни “биологик жинс” нуқтаи назаридан синфларга ажратиш ҳақидаги илмий хулосалардан БМ-В-Ф4-014 рақамли “Норавшан тўпламлар назарияси асосида матнли маълумотларнинг интеллектуал таҳлил масалаларини тадқиқ қилиш” давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги грантда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 майдаги 89-03-1774-сон маълумотномаси). Натижада инфорамацион ахборот таълим тизимида тил соҳибининг бошқа шахслар билан ижтимоий мулоқот ўрнатишида лингвокогнитив муносабат жорий этилган;

Ўзбек тилини антропоцентрик аспектда тадқиқ этишда халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатиб бериш масаласи хусусидаги хулосалар, шунингдек, тадқиқотда илгари сурилган «жинс» концепти таҳлили орқали ўзбек халқининг оилавий муносабатларида эркак ва аёлнинг социал ва психологик ҳамда этнолингвистик жиҳатлари борасидаги илмий-назарий асослар миллий менталитетимизнинг ўзига хос қирраларини очиб беришда хизмат қилиши хусусидаги фикрлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» telekanali» ДУК томонидан 2017 йил 21 октябрь куни эфирга узатилган «Тил жозибаси» ток шоусида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» telekanali» ДУКнинг 2018 йил 16 майдаги 01-16 / 288-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материаллар мазмунан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 30 та республика илмий-назарий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 44 та илмий иш чоп этилган. Шулардан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 9 мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 2 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Лисоний тизим тадқиқида когнитив ва ассоциатив-вербал парадигмалар интеграцияси**» деб номланган бўлиб, унда *концепт, концептуал таҳлил тамойиллари* ҳақидаги лингвистик қарашлар таҳлил қилинган, функционал-семантик ва ассоциатив майдоннинг антропоцентрик талқини масаласига муносабат билдирилган. Мазкур бобнинг «Олам ва одам» тизимида дунёни англаш – ижодий тафаккур маҳсулининг гносеологик асоси сифатида» деб номланган биринчи фаслида борлиқни идрок этишда тилнинг ўрни масаласига муносабат билдирилган.

Маълумки, оламини англаш ва унга фаол муносабатда бўлиш ижодий тафаккур маҳсули саналади. Буюк аллома Абу Наср Фаробийнинг фикрича, «Бир нарсани билиш нутқий қувват билан, ё бўлмаса, хаёл суриш – таҳайюл қуввати билан ёки туйғулар-ҳислар билан қўлга киритилади»⁵. Демак, ижодий тафаккурда рационаллик ва иррационаллик, мантиқийлик ва интуитивлик, руҳий ҳолат ва рационал билимлар муносабати муҳим аҳамиятга эга.

Олам-одам тизимида дунёни идрок этиш ва уни тил орқали акс эттириш, бошқача айтганда, тилнинг гносеологик ва онтологик табиатини тадқиқ этиш тилшуносликнинг марказий муаммоларидан биридир. А.Нурмоновнинг фикрича, тил фалсафий жиҳатдан гносеологик ва онтологик табиатга эга, тилга гносеологик нуқтаи назардан ёндашилганда, биринчидан, инсоннинг тил орқали оламини билиши, тилнинг объектив борлиқ узвларини номлаш вазифаси, иккинчидан, тилнинг шу тил эгаларининг олам ҳақидаги билимлари тўплами экани ёритилади⁶. Англашиладики, тилнинг гносеологик табиатини белгилашда инсоннинг оламини идрок этиши ва уни тилда акс эттириши механизмини тадқиқ этиш муҳим.

Борлиқ инсон онгида акс этар экан, унинг акси кўзгудек тоза бўлиши шарт эмас. Борлиқнинг акс этиши жараёни субъектнинг объектга муносабати

⁵Фаробий Абу Наср.Фозил одамлар шахри.–Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.152. Бу ҳақида яна қаранг: Қурбонова Л.А. Ижодий тафаккурнинг фалсафий-методологик таҳлили: Фалс.фан.номз. ... дисс.автореф. –Тошкент, 2007. –Б.5.

⁶Нурмонов А.Н. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.14.

таъсирида бўлади. Борлиқнинг инсон томонидан идрок этилиши доимо субъективдир. Лекин бу билан биз билаётганимиз воқелик бўлмасдан, фақат ҳис-туйғу, сезиш натижасидир деган хулосага келиш нотўғридир. Воқеликни субъектив билиш жараёни тажриба назоратидадир ва ушбу жараён натижасида биз воқелик ҳақидаги объектив билимга эга бўламиз. Инсон воқеликни идрок этар экан, уни тилда акс эттиришга ҳаракат қилади. Борлиқни идрок этиш тилсиз амалга ошмайди. Бу жараёнда *борлиқ – инсон – тил* муносабати масаласини ўрганиш муҳим ўрин тутади.

«Концепт ва концептуал таҳлилнинг лингвокогнитив муаммоси» деб номланувчи иккинчи фаслда *концепт* ва *концептуал таҳлил* методи бўйича тилшуносликдаги мавжуд қарашлар ўрганилиб, муносабат билдирилган.

Когнитив тилшуносликда *концепт*га турлича тавсифлар берилган. С.А.Аскольдов-Алексеевнинг фикрича, концепт тафаккур ходисаси, у фикрлаш жараёнида айна бир турдаги кўплаб предметлар, хатти-ҳаракатлар, тафаккур функцияларини ифодалайди⁷. Е.С.Кубрякова концептга онг ва рухий имкониятларимиз ҳамда инсон билими, тажрибасини акс эттирувчи тафаккур бирлиги сифатида баҳо берган⁸. З.Д.Попова, И.А.Стернинларнинг талқинича, *концепт* кенг қамровли ментал бирлик, у тузилма кўринишидаги билимнинг алоҳида бўлаги, квантидир⁹. Ш.Сафаровнинг фикрича, концептнинг таркибида онгнинг тимсол, тушунча, ҳиссиётга оид тузилмалари бирлашади, бу тузилмалар инсон дунёқарашини акс эттирадиган воқелик тасвири – тасаввурининг асосини ташкил қилади¹⁰. Англашиладики, *концепт* инсоннинг оламни идрок этишида фаол ҳаракатланувчи, унинг онгида ментал равишда намоён бўладиган, тил эгаларининг дунёқарашини, миллий-этник хусусиятларини акс эттирувчи бирликдир.

Тилшунослар концептнинг миллий-маданий жихатига ҳам эътибор қаратишган. Н.Д.Арутюнова концептни инсон ва борлиқ ўртасидаги боғлаб турувчи маданий қатлам деб тушунади¹¹. Д.Худойберганова ҳам концептнинг миллий-маданий хусусиятини эътироф этади. У концептга уч нуқтаи назардан таъриф берган: 1. Когнитив тилшуносликда: инсон онгининг ментал ва рухий имкониятлари, унинг билими ва тажрибасини акс эттирувчи ахборот тизими бирлиги. 2. Лингвокультурологияда: менталлик хусусиятига ҳамда лисоний ифодага эга бўлган, этномаданий ўзига хослик билан ажралиб турувчи жамоа онги бирлиги. 3. Психолингвистикада: инсоннинг билиш ва мулоқот фаолиятида юзага келадиган, унинг руҳияти қонуниятларига бўйсунувчи ҳаракатчан перцептив-когнитив-аффектив тузилма¹².

⁷ Аскольдов С.А. Концепт и слово / Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. – М.: Академия, 1997. – С.267.

⁸ Кубрякова Е.С. Язык и знание (на пути знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). – М.: Языки славянской культуры, 2004. – С.14.

⁹ Попова З.Д., Стернин И.А. Понятие “концепт” в лингвистических исследованиях. – Воронеж. 2000. – С.4.

¹⁰ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б.275.

¹¹ Арутюнова Н.Д. Введение // Логический анализ языка: Ментальные действия. – М.: Наука, 1993. – С.3.

¹² Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2015. – Б.25.

Н.Ҳошимова Д.Худойберганованинг фикрини маъқуллаган ҳолда¹³ ўзининг диссертацион ишида: «Ҳар қандай концепт ўз концептосферасига эга бўлади, бу эса ўз навбатида алоҳида шахс ёки ҳалқнинг умумий концептосферасининг ташкилий элементларини ҳосил қилади»¹⁴, -деб таъкидлайди. Бизнингча, концепт қотиб қолган ментал бирлик эмас, инсон концептни тафаккурида мужассам бўлган билимлари билан қиёслаб боради ва уларни муайян категорияларга бирлаштиради. Зеро, олами категориялаштириш орқали инсон лисоний категорияларни яратади. Бу унинг шахсий концептуал билимининг бойиши билан баҳоланади. Шундай экан концепт доимо ривожланишда бўлади.

Маълум бўладики, *концепт* нафақат руҳий-ментал ҳодиса, балки этномаданий хусусиятларни намоён этувчи бирлик ҳамдир.

Диссертацияда *концепт*, *тушунча*, *маъно* терминларнинг моҳияти, бири-биридан фарқи хусусидаги қарашларга ассоциатив аспектда муносабат билдирилган. Жумладан, *концепт*нинг тафаккур бирлиги, *маъно*нинг тилга хос семантик бирлик эканлиги; *тушунча* структурасида мазмуннинг асосий ўрин эгаллаши, *концепт* структурасида эмоционал, экспрессив баҳолаш муносабати муҳим ўрин тутиши баён этилган. Концепт терминининг лингвистик моҳиятини ёритишда тилнинг маъно структураси таҳлили алоҳида аҳамиятга эга.

Диссертацияда, шунингдек, концептнинг турлари, моделлари; когнитив тилшуносликнинг ўрганиш объекти, вазифаси, йўналишлари бўйича ҳам хулосалар берилган.

Биринчи бобнинг «Функционал-семантик ва ассоциатив майдонларнинг антропоцентрик талқини» деб номланган фаслида мазмуний ва ассоциатив майдоннинг моҳияти, ўзаро фарқи, таркибий қисмлари, тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Тилшуносликда *ассоциатив майдон* тушунчаси марказий терминлардан бири саналади. Ассоциатив майдон терминини фанга биринчи бўлиб машҳур француз тилшуноси Ш.Балли олиб кирган¹⁵.

Ассоциатив майдон – структур жиҳатдан лексикографик хусусиятга эга бўлиб, инсон онгида акс этган аниқ воқелик, унинг бошқа ҳолатлари билан биргаликдаги тўлиқ образли вербал ифодасини, у ҳақидаги тасаввурини, билимларини намоёиш этувчи лисоний тизимнинг ассоциатив боғланган семантик ва грамматик муносабатдаги бирликлари мажмуаси саналади¹⁶.

Тилшуносликда ассоциатив майдон бошқа майдонлардан, жумладан, функционал-семантик (мазмуний) майдондан фарқ қилади.

Илмий адабиётларда функционал-семантик майдон тушунчаси ҳар хил талқин этилади. Проф.А.Нурмонов ва Ш.Искандароваларнинг «Тилшунослик назарияси» асарида қайд этилишича, функционал-семантик майдон атамаси

¹³ Ҳошимова Н.А. Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар: Филол. фан. бўй. фалс. докт. ... (PhD) дисс. – Фарғона, 2018. – Б. 93.

¹⁴ Ҳошимова Н.А. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 93.

¹⁵ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 1955. – С.72.

¹⁶ Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. –Тошкент: MERIYUS, 2017. – Б. 58.

немис тилшунослигида турлича атамалар билан номланади: «Л.Вайсгербер «тил мазмунининг маълум қисми», «таркибининг бўлаги», И.Трир эса мазмуний майдон сифатида «тушунчалар майдони», Г.Ипсен мазмуний ва грамматик жиҳатдан боғланган сўзлар гуруҳини семантик майдон тарзида талқин этади. А.Йоллес эса уни «семантик бирлашиш» деб номлайди»¹⁷.

Функционал-семантик майдон ва ассоциатив майдон тушунчаларига ойдинлик киритиш учун уларни кескин фарқли томонларига эътибор бериш лозим. Чунончи, функционал-семантик майдон турли сатҳга мансуб, гетероген бирликларнинг бир умумий белги асосида хотирада муайян гуруҳларга бирлашувидир¹⁸.

Ассоциатив майдон эса бир-бири билан ассоциатив боғланган (бир-бирини ёдга туширувчи) тил бирликларининг йиғиндиси бўлиб, бир сатҳга ёки турли сатҳга оид бирликлар муносабатидан ташкил топади. Д.Лутфуллаева, ассоциатив майдон тушунчасини изоҳлар экан, мазкур майдонга ўзаро семантик боғланган бирликлар билан бирга, семантик жиҳатдан боғланмаган, тил эгалари руҳияти, дунёқараши, қизиқишлари, олам ҳақидаги билимлари билан боғлиқ ҳолда хотирасида тикланган бирликлар ҳам бирлашишини таъкидлайди¹⁹.

Ассоциатив майдон чегараланмаган, унинг таркибига лексик бирликлар билан бирга, синтактик бирликлар ҳам кириб қолиши мумкин. Масалан, «одам» ассоциатив майдони таркибига «*У онгли мавжудот*» гапи ассоциат сифатида кириши мумкин. Аммо лексик бирликнинг мазмуний майдонида бу каби бирликлар иштирок этмайди.

Ишда назарий фикрларнинг амалий тасдиғи сифатида ассоциатив тажриба методи²⁰ орқали иккита стимул сўз – «одам» ва «жинс» танлаб олиниб, эркин ассоциатив тажриба²¹ ўтказилди. Бунинг натижасида тил воситаларининг мазмуний алоқаси, ассоциатив боғланиши ва биргаликда нутқий тузилмаларнинг ассоциатив-вербал жиҳатдан ҳосил қилиш, уларнинг ижтимоий-маданийлик хусусиятлари каби муаммоларни шахс омили билан боғлиқ эканлиги очиқ берилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ўзбек тилида «одам» концептини воқелантирувчи ассоциатив бирликлар»** деб номланган бўлиб, унда «одам» концептини воқелантирувчи лексик-фразеологик, грамматик воситалар таҳлил қилинган, «одам» концептининг нутқ услубларида воқеланиши масаласи ёритилган. Мазкур бобнинг биринчи фаслида «одам»

¹⁷ Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. – Тошкент:Фан, 2008. – Б. 80.

¹⁸ Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. 3 жилдлик. III жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. Б.105.

¹⁹ Лутфуллаева Д. Кўрсатилган асар. – Б. 59.

²⁰ Осипов Я.В. Методологическое значение ассоциативного эксперимента К.Юнга в разработке А.Р.Лурия основ реактологической теории аффективного поведения // Вестник Северного (Арктического) федерального университета. Серия: Гуманитарные и социальные науки. – 2011.–№ 1– С.124.; Лутфуллаева Д.Э. Кўрсатилган асар. –Б. 80.

²¹ Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента. – Харьков; – Москва: Изд. Группа «РА – Каравелла», 2001. – С.16.

концептининг лексик-фразеологик бирликлар орқали воқеланиши, ушбу концепт билан ассоциатив боғланган бирликлар таҳлил этилган.

Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида лексемалар гуруҳида «шахс» тушунчаси хусусида айрим фикрлар баён қилинаётган бўлишига қарамай,²² «одам» концепти ўзининг тўлиқ лисоний-фалсафий ҳамда концептуал-ассоциатив тавсифига эга бўлганича йўқ. Нутқда концептнинг воқеланиши лексема ва фраземаларда кенг тарқалган²³. Шунингдек, лексик бирликларнинг маъно кўчиши ҳодисасида ҳам концептнинг реаллашувини кузатиш мумкин.

Ўзбек тилида *ота, она, қиз, ўғил, ака, опа, ука* каби қариндошликни билдирувчи шахс отлари, илмий фаолият ва илмий унвон эгаларини билдирувчи *аспирант, докторант, доцент, профессор* лексемалари; кишиларнинг яшаш жойини англатувчи *уй, қаср, қошона* лексемалари; инсонга нисбат берилувчи *эсли, доно, ақлли, аҳмоқ, қўрқмас, жасур, камтар, софдил, мағрур, уятчан, тортинчоқ, ишбилармон, моҳир, зийрак, билимдон, чидамли, хотамтой, саҳоватли* лексемалари инсон (одам) семасига эга бўлиб, тил эгалари хотирасида бевосита «одам» концептини тиклай олади.

Мазкур хусусият инсон ҳатти-ҳаракатлари, турли ҳолатларини англатувчи *тингламоқ, гапирмоқ, уришмоқ, ҳидламоқ, мизғимоқ, тановул қилмоқ, бетоб бўлмоқ, фарзанд кўрмоқ, кийинмоқ, ечинмоқ, аччиқланмоқ, ранжимоқ, кексаймоқ* лексемалари; *мен, сен, у, биз, сиз, улар, ҳамма, барча, аллақим, ҳеч ким, кимдир* каби ишора бирликларига ҳам хос. Демак, *одам* семаси билан боғланган ҳар қандай лексик бирлик ассоциатив тарзда тил эгалари хотирасида «одам» концептини воқелантира олади.

«Одам» концепти лексик бирликнинг кўчма маънолари орқали ҳам воқеланади. Масалан, сўзлашув нутқида инсонга нисбатан қўлланувчи *калта соч, жинси, сариқ кўйлак* метонимик қўлланишлари ассоциатив тарзда «одам» концепти билан боғланади: *Орқада турган калта соч навбат кутмай олдинга ўтиб кетди*. Қуйидаги мисолда «одам» концептининг синекдоха орқали ифодаланиши кузатилади: *Севишганлар қўли билан бир-бирига чирмашди* (Шухрат). Бу гапдаги *чирмашмоқ* феъли «ёпишмоқ» ҳосила маъносида келиб, бевосита «одам» концептини хотирада тиклайди. Аслида бу феълнинг ҳосил қилувчи маъноси «ўралишмоқ» ифодасини беради.

²² Исмоилов И. Туркий тиллар қавм-қариндошлик терминлари. –Тошкент: Фан, 1966; Данияров Р. Заимствование русско-интернациональных личных имен узбекским языком: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1967; Тожиев Ё. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси. –Тошкент: Фан, 1987; Абдиев М.Б. Аффиксальный способ образования названий лиц в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд.филол.наук.–Ташкент, 1991; Нарзиева М. Семантическая структура имен существительных возрастной характеристики лица в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. –Ташкент, 1991; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол.фан.докт ... дисс.автореф.–Тошкент, 1999; Қурбонова М., Шокирова Х. Кесимлик шаклидаги шахсон актанти ва унинг агенс валентлигига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2008. – № 3. – Б.36-41; Шокирова Х. Ўзбек тилида кесимлик категорияси: шахс актанти ва унинг нуткий воқеланиши. Филол.фан.номз. ... дисс.автореф.–Тошкент, 2009. –Б.25.

²³ Болдирев Н.Н. Концепт и значение слова // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж, 2001. – С.25-36.; Болдирев Н.Н. Когнитивная семантика: курс лекций по английской филологии / Тамбов: Изд-во Тамб. ун-та, 2001. –123 с.

Чирмашмоқ сўзидаги ҳосила маънонинг юзага келиши бутун номидаги синекдохага мансубдир. Албатта, бу ўринда синтактик қурилма ҳам «одам» концептининг ассоциатив тарзда реаллашувида муҳим ўрин тутади.

Ўзбек тилида *отланмоқ* феъли аввал «отга минмоқ», *ечмоқ* феъли «тугундан ҳоли қилмоқ» генетик маъносига эга бўлган. Давр ўтиши билан *отланмоқ* феъли «бирор жойга бориш», *ечмоқ* феъли «тугмани ёриқдан чиқармоқ» маъносини англатадиган бўлган²⁴. Бизнинг назаримизда, ҳар икки ҳолатда ҳам функционимик кўчимлар орқали тил эгалари хотирасида ассоциатив тарзда «одам» концепти тикланади. Ушбу феълларда акс этган ҳаракатнинг инсон билан боғлиқ ҳолда амалга ошиши улар орқали тил эгалари хотирасида «одам» концептининг воқеланишига туртки беради.

Ўзбек тилида фраземалар орқали «одам» концептининг ассоциатив воқеланиши ҳам ўзига хос. Ўзбек тилшунослигида шахс ва унинг хусусиятини ифодаловчи фраземаларнинг семантик-функционал хусусиятларига айрим ишларда муносабат билдирилган²⁵. Бироқ фраземик қатламда «одам» концептининг ассоциатив тарзда ифодаланиши бугунги назарий тилшунослигимиз олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Шуниси характерлики, айрим фраземалар хотирада «одам» концептини тиклаш билан бирга, унинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни бир-биридан фарқлаган тарзда тасвирлайди. Масалан: *таъби хира*, *дил(и) сиёҳ*, *бағр(и) қон*. Ҳар уч фраземада «хафалик» маъноси англашилади, лекин «хафалик» *таъби хира* фраземасида бошланғич босқичда (бир оз), *дили сиёҳ*да юқорироқ (меъёрдан кучлироқ), *бағри қон* фраземасида эса энг юқори босқичда (ўта кучли даражада)²⁶. Шунга кўра *таъби хира* фраземаси «кайфияти бир оз ёмон» маъносини, *дили сиёҳ* фраземаси «руҳияти ёмон» маъносини, *бағри қон* фраземаси «ғам-алам, изтироб билан тўлиб-тошган» маъносини англатади.

Бу ўринда айтиб ўтиш жоизки, фразеологик бирликлар орқали «одам» концептининг ассоциатив-вербал ифодаланиши образли, эмоционал-экспрессив кўринишда амалга ошади. Бу ҳолатни қуйидаги фразеологик гуруҳларда ҳам кўриш мумкин: 1. Руҳий ҳолатни англатувчи фраземалар: а) салбий бўёққа эга фраземалар: *этини емоқ* – *ичини емоқ* – *ўз ёғига ўзи қовурилмоқ*, *юраги сиқилмоқ* – *юраги қон бўлмоқ*, *асабига тегмоқ* – *гашига тегмоқ* *тоқати тоқ бўлмоқ* – *сабр косаси тўлмоқ*; б) ижобий бўёққа эга фраземалар: *оғзи қулоғида* – *боши осмонда*, *ўтқазгани жой тополмаслик* – *еру кўкка ишонмаслик* кабилар. 2. Тафаккур фаолиятни англатувчи фраземалар: *ўйига етолмаслик* – *боши қотмоқ*, *боши шишмоқ* – *боши говлаб кетмоқ*, *тирноқ орасидан кир изламоқ* – *қилдан қийиқ қидирмоқ* кабилар. Бундай фраземалар салбий бўёққа эга. 3. Нутқий фаолиятни англатувчи фраземалар: *шовқин солмоқ* – *бошига кўтармоқ*, *ади-бадига бормоқ* – *сан-*

²⁴ Бу ҳақда қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б.108.

²⁵ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983.–Б.39-41; Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. –Тошкент: Фан, 1982.–Б.16; Вафоева М. Шахс хусусиятини ифода этувчи фраземалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017. – № 4. – Б. 98-102.

²⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик. – Тошкент: Фан, 1966. –Б.145.

манга бормоқ, оғзига талқон солмоқ – мум тишламоқ кабилар. Бундай фраземалар ҳам салбий бўёққа эга. 4.Шахсларнинг ҳатти-ҳаракати, ҳолати, кишилар билан ўзаро муносабати кабиларни англатувчи фраземалар: *обрўйини туширмоқ – обрўйини тўкмоқ, жазосини бермоқ – адабини бермоқ, оёғини тираб олмоқ – икки оёғини бир этикка тикмоқ, таъзирини емоқ – адабини емоқ* кабилар. Бундай фраземалар ҳам салбий бўёққа эга.

Айтилганлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ўзбек тилида «одам» концептининг ассоциатив тарзда воқеланишида *одам* семасига эга лексик бирликлар, метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлик каби кўчимларга учраган лексема ҳамда фраземалар муҳим ўрин тутди.

Диссертациянинг мазкур бобида «одам» концепти билан ассоциатив боғланган грамматик воситалар ҳам таҳлилга тортилган.

Морфологик сатҳда «одам» концепти билан ассоциатив боғланувчи бирликлар ичида *шахс отлари* ва *исми фоиллар* муҳим ўрин тутди. *Чақимчи* шахс оти ва исми фоил мақомидаги *чақувчи* морфологик бирлигини таҳлил қиламиз. Бу бирликлар бевосита «одам» концепти билан ассоциатив алоқага киришади.

Маълумки, *шахс отлари* маълум бир қолип асосида ҳосил қилинмайдиган, ясама бўлмаган, шахсни бирон бир белги-хусусиятига кўра атаб келадиган туб ёки тублашган сўзлар²⁷, *исми фоиллар* эса маълум бир қолип ҳосиласи бўлган, моҳиятан форма яшагга яқинлашадиган, аммо сўз ясовчи асоснинг барча маъно ва вазифалари, синтактик қобилияти тўлиқ сақланадиган нутқий ҳосилалардир²⁸. Шунга қарамай, *чақимчи* ва *чақувчи* бирликлари шахс семаси асосида «одам» концепти билан ассоциатив боғлана олади. Қиёсланг: *одам – чақимчи, одам – чақувчи*.

Ўзбек тилида айрим ундов ва тақлид сўзлар орқали ҳам «одам» концепти воқеланади. Хусусан, *ҳой, алло, эй, уф, қойил, офарин, балли, тасанно* каби ундов сўзлар, *қулт-қулт, қаҳ-қаҳ, шивир-шивир, гўнгир-гўнгир* тақлидий сўзларининг грамматик маъноси орқали тил эгалари лисоний хотирасида ассоциатив тарзда «одам» концепти тикланади. Бошқача айтганда, ушбу морфологик бирликлар инсон хотирасида «одам» концепти билан ассоциатив боғланишни ҳосил қилади.

Айтиш мумкинки, инсоннинг эмоционал ҳолати билан боғланган барча ундов сўзлар бевосита «одам» концептини ёдга солади. Шу боис *алло* ундов сўзи ёки *уф* ҳис-ҳаяжон ундовини эшитар эканмиз, бевосита муайян ҳолатдаги инсон кўз олдимизда гавдаланади. Шунингдек, *ҳой, ўв, эй* каби инсонга қарата айтилувчи буйруқ-хитоб ундовлари ҳам, гарчи ундов сўз қаратилган инсон бир зум кўздан узоклашган бўлса-да, ассоциатив тарзда «одам» концепти билан боғланади. Бу ҳолат инсоннинг ҳис-ҳаяжони ёки унга қаратилган буйруқ-хитоб билдирувчи барча турдаги ундов сўзлар орқали ассоциатив тарзда «одам» концептининг хотирада тикланишини кўрсатади.

²⁷Тожиёв Ё. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси. – Тошкент, 1987. – Б.78.

²⁸Салоев Р. Ўзбек тилида исми фоиллар: Филол. фан. номз. ...дисс.автореф. – Самарқанд, 1994. – Б.3.

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, инсон товуши ёки ҳолатига нисбатан ҳосил қилинган тақлид сўзларгина «одам» концепти билан бевосита ассоциатив боғлана олади. Масалан, нутқда *лов-лов* тақлид сўзи инсонга нисбатан ҳам, атлас ёки бирор бошқа матога нисбатан ҳам ишлатилади. Бу тақлид сўз инсонга нисбатан қўлланганда «одам» концепти билан ассоциатив алоқага киришади. «*Юзларим лов-лов ёнади...*»(Т.Мурод) гапида қўлланган *лов-лов* тақлид сўзи инсон юзига нисбатан ишлатилгани боис хотирада «одам» концептини тиклайди. Аммо «*Атлас кўйлак лов-лов ёнади*» гапида қўлланган тақлид сўзда бу хусусият кузатилмайди.

Шу ўринда баъзи морфологик воситаларнинг синтактик имкониятларини намоён қилишида «одам» концепти билан боғлиқ ўринларга эътиборни қаратайлик. Ўзбек тилида муносабат шакллари бўлган эгалик ва шахс-сон аффиксларининг «одам» концепти билан тил эгалари хотирасида ассоциатив боғланиши уларнинг синтактик қуршовда бошқа сўзлар билан синтагматик муносабатларида воқеликка айланади. Жумладан, эгалик ва шахс-сон қўшимчалари бирлик ва кўplikдаги барча шаклларида «одам» концепти билан ассоциатив алоқага киришади. Яъни *китобим, китобинг, китобимиз, китобингиз*, шунингдек, *ўқидим, ўқидинг, ўқидик, ўқидингиз* грамматик шакллари орқали тил эгалари хотирасида бевосита «одам» концепти ёдга тушади.

Табиийки, бу категориал шакллар орқали «одам» концептининг ассоциатив тарзда воқеланиши уларнинг шахсга ишора қилиши, яъни дейктик вазифа бажариши билан боғлиқ. Шахс дейксисини ҳосил қилувчи эгалик аффикслари ўзи боғланиб келган сўздан англашилган предмет эгаси (сўзловчи, тингловчи ёки ўзгани билдирувчи одам)ни киши кўз олдида гавдалантира олади.

Худди шундай, шахс-сон аффикслари ҳам шахсга ишора қилиш орқали ҳаракат-ҳолатни бажарувчи (одам)ни ассоциатив тарзда ёдга солади. Шу боис бу аффикслар синтактик қуршовда кишилиқ олмошларининг қўлланишини тақозо қилади. Нутқ жараёнида бу олмошлар ва мазкур грамматик шакллар ўзига хос *плеоназм*, яъни такрорни ҳосил қилади. *Менинг китобим, Биз келдик* каби нутқий ҳосилаларида «одам», «шахс» ва «сон» маъноларининг ифодаланишида бу плеоназм яққол кўринади.²⁹

Характерлиси шундаки, нутқда I, II шахс эгалик ва шахс-сон қўшимчаларида «одам» концепти ёрқин воқеланади. Шунинг учун бу шакллар нарса ва предметларга (ўсимликлар, ҳайвонлар ва ҳ.к.) нисбатан қўлланилса, персонификация, жонлантириш (ташҳис) санъати юзага келади.

Ўзбек тилида *-овлон, -ов, -ала* морфемали грамматик шакллар ҳам бевосита «одам» концепти билан ассоциатив боғланади. Қиёсланг: *одам – бешовлон, одам – учови, одам – иккаласи* каби. *-ов, -овлон* морфемали грамматик шакллар «одам» концепти билан зич боғланади, аммо *-ала* аффиксли грамматик шаклларнинг «одам» концепти билан ассоциатив

²⁹ Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент : Ўқитувчи, 1992. – Б. 12-16.

боғланиши контекст билан алоқадор. Қиёсланг: *тўрттала қиз – тўрттала маҳсулот*.

Кўринадик, *-овлон, -ов* ва *-ала* жамловчи сон шакллари «одам» концепти билан ассоциатив боғланишни ҳосил қилишига кўра приватив оппозицияга киришади. Бу зиддиятда *-овлон, -ов* аффикслари кучли аъзони, *-ала* аффикси эса кучсиз аъзони ташкил этади.

Тадқиқотда ҳурматни ифодаловчи грамматик воситалар орқали «одам» концептининг ифодаланиши масаласи ҳам ёритилди.

Ўзбек тилида гап ёки ундан йирик матнларда ҳам «одам» концептининг воқеланиши кузатилади. Бундай бирликлар «одам» концептини воқелантириш билан бирга, тил эгалари тасаввурида инсон қиёфасини тиклаб, ассоциатив боғланишни ҳосил қилади. Масалан: ... *Гап қўрқинида эмас... Тўппончани қўлга олишга улгурмай гўрға кириб кетишинг мумкин.* (Т.Малик)

Дарак гап шаклидаги мазкур гапнинг умумий мазмуни орқали “одам” концепти воқеланган. Ушбу гап тил эгалари тасаввурида бевосита инсон қиёфасини шакллантириб, «одам» концепти билан ассоциатив алоқани ҳосил қилган.

Концептнинг нутқда воқеланишида гап шаклидаги мақоллар ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, ватанпарварлик мавзусидаги *«Бировнинг юртида бек бўлгунча, ўзингнинг юртида ит бўл»*, *«Ердан айрилсанг ҳам, элдан айрилма»*, *«Ёридан айрилган етти йил йиғлар, Элидан айрилган ўлгунча йиғлар»* мақоллари инсон ва ватан муносабатларини акс эттирганлиги боис тил эгалари хотирасида «одам» концептини воқелантиради. Ёки меҳнатсеварлик мавзусидаги *«Бекор ўтиргунча, бекор ишла»*, *«Бир қўллаб эксанг, икки қўллаб йиғасан»* мақолларида ҳам «одам» концептига ишора қилинади.

Хуллас, ўзбек тилидаги айрим мақоллар нафақат «одам» концептини воқелантиради, балки тил эгалари хотирасида бу концепт билан ассоциатив боғлана олиш хусусиятига ҳам эга бўлади.

Тадқиқотда гапдан катта синтактик бирлик – матнда «одам» концептининг ифодаланиши масаласи тадқиқига ҳам эътибор қаратилган.

Диссертация иккинчи бобининг иккинчи фаслида «одам» концептининг нутқ услубларида воқеланиши масаласи ўрганилган. Маълумки, стилистик белги тил сатҳларининг барчасида у ёки бу даражада кузатилади. Айниқса, матнда стилистик белги ёрқин кўзга ташланади. Шу ўринда куз фасли баёнига доир матнда «одам» концептининг воқеланиш ҳолатларини кузатайлик:

Сўзлашув услуби: *Болам, – деди чол, куз ёздан кейин келади. Мевалар пишиб, дарахтлар барг тўкади. Тўкин-сочин давр – бу куз дегани. Қисқа бўлади кунлар ҳам. Ҳаво совиб боради, офтоб ҳам қизитмайди.*

Бадий услуб: *Куз кунларининг оёғи ва қиш кунларининг боши эди. Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугаган, ер юзи ўзининг қишқи сариқ кийимини кийган эди. Тўрт томонининг ўралганлиги соясида япроқларини*

тўкилишдан сақлаб қолган бу гилос ёғочлари ҳам бу кун тунги қора совуққа чидолмай елнинг озгина ҳаракати билан-да баргларини ширт-ширт узиб ташламоқда эдилар. Ҳаво очик бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилган, аммо унинг ҳам бу кун унча таъсири йўқ. (А.Қодирий)

Эътибор берилса, сўзлашув ва бадий услубдаги матнларда куз билан алоқадор турли тавсилотлар акс этган. Сўзлашув нутқида «одам» концептига ишора кузатилмайди. Аммо бадий матнда жонлантириш усулининг ер юзига нисбатан қўлланиши натижасида (*ер юзи ўзининг қишки сариқ кийимини кийган эди*) билвосита «одам» концепти воқеланган. Англашиладики, турли услубдаги матнларда «одам» концептининг воқеланишида матнда акс этган инсон билан боғлиқ тавсилотлар муҳим ўрин тутди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Жинс» концептини воқелантирувчи ассоциатив бирликлар**» деб номланган. Унда мазкур концептнинг лексик-фразеологик, грамматик бирликлар ва стилистик воситалар ёрдамида воқеланиши масаласи тадқиқ этилган. Бобнинг биринчи фаслида «жинс» концепти билан мантикий-семантик ҳамда ассоциатив боғланган лексик-фразеологик бирликлар ўрганилган.

Сўнгги йилларда тилшуносликда инсонга хос жинсий фарқланишнинг тилда акс этиши масаласини тадқиқ этишга қизиқиш кучайди. Бу муаммо тадқиқига бағишланган ишларда жинс семантик категориясининг моҳияти очиқ берилди, турли тилларда *жинс* тушунчасининг ифодаланиш усуллари ва воситалари аниқланди, қатор ишларда *жинс* тушунчаси «аёл» концепти, род категорияси мисолида таҳлилга тортилди. Жумладан, Ф.Мусаеванинг тадқиқотда ўзбек тилида *жинс* тушунчасининг ифодаланиши масаласи монографик аспектда чуқур ўрганилди³⁰. Олиманинг ўзбек тилида жинс тушунчасини ифодаловчи тил бирликлари бўйича билдирган илмий хулосаларини маъқуллаган ҳолда тадқиқотимизда «жинс» концептини воқелантирувчи айрим бирликларга тўхталдик ва бу бирликларнинг «жинс» концепти билан ассоциатив боғланиши масаласига эътиборимизни қаратдик.

Ўзбек лингвомаданиятида *жинс* атамаси миллий-маданий моҳиятга эга бирлик ҳисобланади. Бу ўринда *жинс* ва *гендер* терминларини бир-биридан фарқлаш лозим. *Гендер* тушунчаси *жинс* тушунчаси каби шахсни эркак ва аёл жинсига кўра фарқлайди, аммо гендер лингвистикасида шахс табиат тақдим этган биологик жинс сифатида баҳоланмайди, балки жамият томонидан шакллантирилган ижтимоий, маданий хусусиятларга эга жинс сифатида ўрганилади. Н.Усачеванинг фикрича, *гендер* тушунчасида жинсга жамият нуқтаи назаридан ёндашилади, асосий таҳлил объекти сифатида *жинс* эмас, балки эркаклик ва аёллик сифатларига эга *социум* олинади³¹. Биз ҳам тадқиқотда *гендер* ва *жинс* терминларини фарқлаган ҳолда «*жинс*» концептини *биологик жинс* маъносида таҳлилга тортдик.

³⁰ Мусаева Ф.Т. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши: Филол. фан. бўй. фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 52 б.

³¹ Усачева Н. Теория и методология современных гендерных исследований // <http://gender.cawater-info.net/publications/pdf/usacheva.pdf>

